



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (13.893)

Баҳоси эркин нарҳда

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитет ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилди.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойн қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Ана шу эзгу гоя Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташириш чоғида бошланб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур ҳудуддаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадиий адабиётлар етказиб берилди. Мусика ва санъат мактаблари чолғу асбоблари, спорт объектлари жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, "Маърифат қарвони" ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг дана китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусика асбоблари етказиб берилди.

Ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан қатъи қизиқиш билан қўлиб олинди.

Йиғилишда бу таъбирани Ўзбекистоннинг барча ҳудудидан кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 800 дан ортқ маданият марказлари, 312 та мусика ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қиз қамраб олинган, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами, мусика асбоблари ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмагани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойлардаги маданият марказлари, мусика ва санъат мактабларининг моддий-техника базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарақ ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомиёларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва "Ёшлар клублари" ташкил қилиш зарурилги таъкидланди.

Атоқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга кўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу таъбирани бутун мамлакатга ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, уша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради.

Мусика ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадимчи ва театрларда сайёр ўтказишнинг ташкил қилиш топширилди.

Иккинчи ташаббусга доир масалалар муҳокама қилинар экан, юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншоотлари борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжумлиги билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни ташкил этгани ҳолда, Сурхондарё вилоятида атиги 12 фоиз, Хоразмда 14 ва Қорақалпоғистонда 15 фоиз, холос.

Йиғилишда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шў асосда тақлифлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифаси юклатилди.

Олис ва чекка қишлоқларда энгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламалы майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратиш зарурилги таъкидланди. Бундай тадбиркорларга "Миллийбанк" томонидан "Ёшлар – келажакимиз" Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Жойлардаги спорт мактабларига таниқли халқаро мусобақалар голибларини раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий ўқув юрларининг махсус сиртки бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши қайд этилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сонини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига илғор халқаро таъбирлар асосида барча шаҳарларда ва туманлар марказида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновация қўникмалар шакллантирилади, стартап лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади.

Бугунги кунда барча мактабларда компьютер техникалари бўлишига қарамадан, интернет хизматидан етарли да-

ражада фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ташаббускор тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, компьютер ўйинлари марказларини ташкил этиш, уларда болалар ва ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар бўлиши зарурилги таъкидланди.

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг хаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади. Лекин қўллаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароит мавжуд эмас. Илгариги кутубхоналар ўрнида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажара олмади.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга қўшимча китоблар етказиб бериш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва идораларга "Маърифат қарвони" лойиҳаси доирасида бадиий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш бўйича топшириқ берди.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиши кераклиги таъкидланди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига барча шаҳар ва туманларда кўчма китоб павильонларини жойлаштириш, "Библиобус"ларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисида кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда барча туманларда сендвич панеллардан 195 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этиши белгиланган. Уларни қуриш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойлар танлаб олинган. Бу корхоналарни ташкил этиш натижасида хотин-қизлар учун 24 мингдан ортқ доимий иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Президентимиз меҳнат қилиш истагидаги аёллар иш ўринлари сонидан анча кўплигини ҳисобга олиб, корхоналарда ишни 2 сменада ташкил этиш, уларда харидордир маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурилгини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилган 5 ташаббусни кенг жорий қилиш мақсадида барча ҳудудга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди. Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, "Нуруний", "Маҳалла" жағмарамалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборотлар тингланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 март куни президентлик ваколатларини топшириш ҳақида эълон қилган Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев бир-бирларини самимий қўллар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланаётгани, кўп қиррали сермахсул ҳамкорлик кенгайиб бораётганини алоҳида мамнуният билан таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва Қозоғистон халқига хизмат қилиш йўлида муваффақиятлар тилади.

Мулоқотда Нурсултон Назарбоев раҳбарлигида замонавий бозор иқтисодиётига асосланган

давлат барпо этилгани таъкидланди. Тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик таъминланди, мамлакатнинг халқаро майдондаги образи мустаҳкамланди. Бугун Қозоғистон дунёнинг ривожланган 50 давлати қаторига кирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЖАЗО МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЫЙ ЎТГАН БИР ГУРУХ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

2019 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 44 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 7 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 11 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 12 нафарига тайинланган жазо энгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 30 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан ўз оилалари бағрига қайтарилди. Шунингдек, 13 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддат-

лари қисқартирилди ва 1 нафар шахс қўшимча жазодан озод қилинди.

Афв этилганларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошганлар, 5 нафарини аёллар, шунингдек, 23 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этади.

Фармон этисди юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 44 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 7 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 11 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 12 нафарига тайинланган жазо энгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 30 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан ўз оилалари бағрига қайтарилди. Шунингдек, 13 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддат-

лари қисқартирилди ва 1 нафар шахс қўшимча жазодан озод қилинди.

Афв этилганларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошганлар, 5 нафарини аёллар, шунингдек, 23 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этади.

Фармон этисди юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 март

ЎЗА

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва жорий “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга ошириш белгиланган Давлат дастури лойиҳаси доирасида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олган.

Комплекс чора-тадбирлар банкнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштириш, унинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш масалаларига қаратилган.

Бинобарин, бугунги кунда банкнинг кредит сибсатида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Кредит ресурслари иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини барқарор талабга эга бўлган экспортбон ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланган ҳолда қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳалар асосида аҳоли бандлигини ошириш ва кўшимча янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА САРМОЯЛАР

Банк томонидан 2018 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар бизнесини ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 901,6 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Ушбу кредитлар асосан бозор муносабатларининг янги сегментларини ўзлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида юқори инвестиция салоҳиятига эга бўлган миқро-

ларга тақдим этилди. Бунга “Dream Production” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг кондиционерлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси, “Sky Wind Systems” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг телевизор ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси ҳамда “Prorent Invest” корхонасининг муз саройини ташкил этиш лойиҳасининг банк кредит-

“ТРАСТБАНК”: ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ ФАОЛ ИШТИРОК

лари орқали молиялаштирилганлиги мисол бўла олади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг республикамиз вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларига ташрифлари давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан берган топшириқлари ва давлат дастурлари доирасида жойларда санаот, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги лойиҳаларни тижорат банклари маблағлари эвазига амалга ошириш вазифалари белгилаб берилмоқда.

Ташрифлар давомида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг филиаллари мавжуд бўлган ҳудудларда, банкнинг потенциал миқозларни аниқлаиб, улар томонидан амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар танлаб олинмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш шарт-шароитлари бўйича ташаббускор-

лар билан биргаликда республикамизнинг Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон ва Наманган вилоятларида қўллаб-қувватлаш лойиҳаси олиб борилди.

Шу билан бир қаторда, сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича (маргарин) “Top Oil” корхонасининг лойиҳаси бўйича импорт шартномаси асосида хорижда ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналар

мажмуасини сотиб олиш учун 1 706,0 минг ЕВРО миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Корхона томонидан ускуналар Тошкент вилоятининг Ангрен иқтисодий зонаси ҳудудига ўрнатилиб, бугунги кунда тўлиқ қувватда ишламоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда банкда Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази фаолият юритмоқда.

Марказ фаолияти асосан ишбилармонларнинг инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш ва уларни бошқаришга қўллаб-қувватлаш билан бирга инвестиция лойиҳалари бўйича ташаббускорларга бизнес-режа/ТИА ишлаб чиқишда ёрдам бериш, ўз маблағлари етарли бўлган салоҳиятли инвесторларга инвестиция лойиҳалари бўйича манфаатли тақлифлар бериб, янги лойиҳаларни шаклан-

тиришда, янгидан ташкил этилган ёки ўз маблағига эга бўлмаган тадбиркорларга қўшимча молиялаштирувчи ҳамкор ва маслаҳатчи сифатида қўллаб-қувватлаш иборат.

Шунингдек, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида банкнинг расмий веб-сайтида (www.trustbank.uz) “Тақлифлар саҳифаси” ташкил этилди. Жорий йилда шакллантириладиган йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги шундай лойиҳаларни амалга ошириш босқичларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси веб-сайтидаги “Инвестиция портали”-да ташкил этилган “Кредит супермаркети” саҳифасида банк биринчилардан бўлиб ўзининг алоҳида бўлимига эга бўлди.

Мазкур бўлимда тадбиркорлик субъектларига банк томонидан тақлиф этилаётган кредит турлари ва шартлари, жалб этилган хорижий кредит линиялари ва уларнинг шартлари тўғрисида батафсил маълумотлар жойлаштирилган.

Хусусан, “Трастбанк” ХАБ томонидан хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислоҳ корпорацияси кредит линияси ҳисобидан 7,0 млн. АҚШ доллари ва Халқаро савдон молиялаштириш ислом корпорациясининг молиялаштириш линиялари ҳисобидан 4,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар жалб қилинди ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришилди.

Ушбу маблағлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларида жойлашган корхоналарга фаолиятини янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида ислом шариати асосида кредит ресурс қилиб берилди. Мазкур кредит ресурслари эвазига янги технологияларнинг ўрнатилиши билан корхоналарда йиғирмага яқин янги иш ўринлари яратилди.

Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА,
“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг ахборот хизмати бошлиғи



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг долзарб масалаларига бағишланган ҳудудий семинар ўтказилди. Амалий мулоқотда сайловни очик-ошкора ва муқобиллик асосида ўтказиш юзасидан тақлиф-тавсиялар билдирилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди. Худди шундай ҳудудий семинар Бўка туманида ҳам бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида “Юртимга хуш келдинг, эй, саҳий Наврўз!” деб номланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Хонобод шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида вилоят корхона ва ташкилотлари, идора-муассасалари, кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, юртимизнинг турли вилоятларида келган меҳмонлар, хорижлик сайёҳлар иштирок этган байрам сайли барчага хуш кайфият бағишлади.

● Кеча Ўзбекистонда илк маротаба Халқаро картошка кўни ўтказилди. Ўзбекистон Картошка етиштирувчилар ассоциацияси, Германиянинг картошка етиштириш ва жойлаштириш бўйича йирик техникалар ишлаб чиқарувчи “Grimme” компанияси ҳамда “Agrover” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур тадбир мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда.

● Наманганда Ўзбекистон Миллий тиклаш демократик партияси Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан Ёшлар форуми ўтказилди. Тадбирда Фарғона водийси вилоятлари партия кенгашларининг “Ёшлар қаноти” қошида ташкил этилган “Кўмак” тарғибот гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш ва ёшлар ўртасида ички туризмни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ЖАҲОНДА

● Голландиянинг Утрехт шаҳрида трамвайда отишма рўй берди. Номаълум кимсанинг йўловчиларга қарши ўқотар қуролдан ўқ узиши натижасида уч киши ҳалок бўлди, 9 нафар йўловчи яраланди, улардан беш нафарининг аҳволи оғирлиги таъкидланмоқда. Маҳаллий полицияларга томонидан ушбу қабих жиноятни амалга оширган туркиялик 37 ёшли кимса қўлга олинди. Мазкур жиноят террористик ҳаракат сифатида баҳоланмоқда.

● Доминикан Республикасида кейинги 35 йил ичида энг кучли қурғоқчилик ҳукм сураётгани, етти ойдан буён ёмғир ёғмаётганлиги боис сув, ем-хашак ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кескин тақчиллиги юзга келди, ўрмонзорлар қуримокда. Натижада 7 мингдан ортиқ қоромол қирилиб кетди. Маълумотларга кўра, қурғоқчилик жорий йилнинг май ойига қадар давом этади. Мамлакат пойтахти Санта-Домингода маҳсус дастур ишлаб чиқилиб, унга кўра қурғоқчиликдан жабрланган фермерларга нобуд бўлган моллари учун тоvon пули тўланади.

● Зимбабведа Идай тўғонидан ҳалок бўлганлар сони 64 кишига етди. Кучли пўртана тўғонига Чининга шаҳри сув остида қолди. БМТ маълумотларига кўра, тўғон оқибатларини бартараф этиш учун 5 миллион 300 минг нафар аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиши керак.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Пойтахтимизда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари шифокорларининг футбол жамоалари ўртасида Тошкентда бўлиб ўтадиган “Doctor Community Cup – Tashkent-2019” халқаро турнири олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкент темир йўл муҳандислари институтида “Наврўз – қадрияларимиз қадрланган, миллийлигимиз улуғланган, улғу кундир” мавзуда маданий-маърифий байрам тадбири уюштирилди.

● Миллий матбуот марказида АТ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан “Банк хизматлари сифатини янада яхшилаш, жамий ва юридик шахсларга кўрсатилаётган замонвий банк хизматларини янада такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг ижроси таҳлили” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

● Пойтахтимизда қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фаилари соҳасида олий малакали ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари мавзуга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Хабарлар

МУРОЖААТЛАР – ДОИМО ЭЪТИБОРДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев раислигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси ҳамда уларга мутсадди раҳбарларнинг муносабати юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, маҳаллий давлат бошқарув органла-

рига тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг кўриб чиқилиши, ҳал этилиши ҳамда ўз вақтида асосли жавоб берилишига жиддий эътибор қаратилди. Муҳокама жараёнида Яккасарой туманида 29 та, Олмазор туманида 16 та, Мирзо Улугбек туманида 14 та, Шайхонтоҳур туманида 13 та ва Сергели туманида 11 та

мурожаатнинг белгиланган муддатда ижро этилмаганлиги танқид қилинди ва ушбу туманлар ҳокимликлари оғохлантирилди. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва қонун доирасида ҳал этиш юзасидан мута-саддиларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

пойтахт учун ажратилган жой билан танишди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри учун мўлжалланган майдонни безаш бўйича лойиҳавий альбом ишлаб чиқилди.

Шунингдек, безаш, фольклор жамоаларининг чиқишлари бўйича тайёргарлик олиб борилмоқда.

КЕЛАЖАГИМИЗ ЭРТАЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук бўлиб улғайишларини таъминлашга қаратилган “Барчаси ўз қўлигидан!” широри остида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Жумладан, таълим муассасаларида “Ўқувчи” рейдлари ташкил этилиб, ёшлар билан уларни қизиқтирган масалалар муҳокама этилди, қизиқишлари ва муаммолари ўрганилди.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида тумандаги барча касб-ҳунар коллеж битирувчилари билан ёш тадбиркорлар ўртасида семинар-тренинг уюштирилди.

ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Тошкентдаги “Чилонзор Оқтепа” ва “Юнусобод Оқтепа” археологик ёдгорликларини қайта тиклаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун тарихчи олимлар, ҳайкалтарош усталар ва археологлардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди. Унинг аъзолари пойтахтимиз фахри бўлган маданий мерос объектларини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш билан шуғулланишади.

Ўз муҳбирларимиз ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодийнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2019 йил январь-февраль ойида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 8 337,5 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 115,0 фоизини ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатилмоқда. Валюта сибсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 44,2 фоиз ўсиб, 2 314,2 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улushi 27,8 фоизни ташкил қилади).

2019 йил январь-февраль ойида транспорт хизматлари ҳажмини ошишига таъсир қилган омилларидан бири йўловчи ва юклари ташвиш хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улushi автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (59,9 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) “Эшиқдан эшиккача” етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари партия “Ёшлар қаноти” фаоллари билан учрашув ўтказди.

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – МУҲИМ МАСАЛА

Депутатлар, партия марказий кенгаши аъзолари, ёш тадбиркорлар, талабалар иштирок этган тадбирда “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида партия тузилмалари томонидан ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, амалиётга кенг жорий қилиш, ёш тадбиркорларнинг малакасини ошириш ва уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Тадбирда партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri Файрат Турғунов ва бошқалар мамлакатимизда янги авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, ижтимоий фаолигини ошириш, ташаббус-

корлик ва ижодкорлик қобилиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлади. Партия “Ёшлар қаноти” бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан жойларда ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-сиёсий ислохотларга кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2018 йилда ҳудудларда ўтказилган учрашув, очик мулоқот, форумлар, дарава суббатларида 185 минг 600 нафардан ортиқ талаба, уюшмаган ёшлар қамраб олинди.

Тадбирда депутатлар ёш фермерлар, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, эришган ютуқларини оммалаштириш, миллий ва

хорижий илғор тажрибалар билан таништириш лозимлиги хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириди. Ёш тадбиркорларга фаолиятда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. – Тикувчилик билан шуғуллана бошлаганимга беш йил бўлди, – дейди Чилонзор туманидаги “Миллийги-нам” тикувчилик корхонаси раҳбари Шохидда Хожиева. – Айни пайтда 15 нафар қизни иш билан таъминлаганман. Йил бошида кредит олмакчи эдим. Бироқ туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бу лойиҳамга етарлича эътибор қаратмади. Бугунги тадбирда депутатларга ўзимга керакли маълумотларни тақдим этдим.

Абдулазиз МУСАЕВ

Реклама ўрнида



**“O' ZTRANSGAZ” AKSIYADORLIK JAMIYATINING
TOSHKENT SHAHRI BO'YICHA GAZ TA'MINOTI
HUDUDIIY FILIALI JAMOASI**



**барча ҳамюртларимизни янгилашни, яшариш рамзи
ҳисобланмиш Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайди!**

**Тилагимиз – Ватанимиз осмони мусаффо,
халқимиз саломат бўлсин.**

**Наврўзи олам қалбларимизга қувонч, оилаларимизга
хотиржамлик ва бахту иқбол олиб келсин!**

Фурсатдан фойдаланиб шаҳримиз аҳолисидан содир бўлиши мумкин бўлган ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга қатъий риоя қилишларини илтимос қиламиз: – газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг; – ностандарт газ асбобларидан фойдаланманг; – газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида туманга мутахассислари хизматидан фойдаланинг; – агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол туманга авария-диспетчерлик хизматларига (Миробод тумани – (71) 254-15-61, М.Улугбек тумани – (71) 267-46-24, Чилонзор тумани – (71) 278-09-99, Яшнобод тумани – (71) 296-39-61, Яккасарой тумани – (71) 255-49-59, Шайхонтоҳур тумани – (71) 242-39-26, Юнусобод тумани – (71) 212-52-25, Олмазор тумани – (71) 248-35-48, Сергели тумани – (71) 258-84-33, Учтепа тумани – (71) 274-44-34, Бектемир тумани – (71) 295-14-43) ёки “УЗТРАНСГАЗ” АЖ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БҲҲИЧА ХУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ Марказий авария-диспетчерлик хизматига 104; (71) 255-44-27, (71) 255-44-29, (71) 253-56-19, (71) 253-56-31 телефон рақамлари орқали мурожаат қилинг.

Ҳурматли истеъмолчилар!

Сизларга яна шунинг эслатиб ўтамизки, газ ҳисоблагичлар қуйидаги муддатларда Давлат қислаш текширувидан ўтказилиши шарт: – аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ ҳисоблагичлар ҳар тўрт йилда; – корхоналарга ўрнатилган газ ҳисоблагичлар ҳар икки йилда. Шунинг эътиборини ҳисобга олган ҳолда, табиий газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда сарфланган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш Тошкент шаҳар газ тармоқларини ўз вақтида сошлаш ва таъмирлаш имкониятини яратди.

Хизматлар лицензияланган

**“2-АВТОБУС САРОЙИ”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

ҳамшаҳарларимиз ва соҳа ходимларини қадриятларимиз қадрланган,
анъаналаримиз улўғланган Наврўз айёми билан самимий табриклайди.
Байрам шуқуҳи дилларимизни шод, қалбларимизни чароғон қилаверсин.
Халқимизга хос бўлган меҳру оқибат ҳеч биримизни асло тарк этмасин.
Она диёримизда тинчлик, хонадонларимизда тотувлик,
кўнгишларда шўкроналик ҳамиша бардавом бўлсин!



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ОТАХОН-ОНАХОНЛАР!

**Барчангизни ўлкамизга файз-тароват ила кириб келаётган яшариш ва янгилашни
айёми – Наврўзи олам байрами билан чин кўнгишдан муборакбод этамиз.**

**Мафтункор диёримиз ободлиги, эл-юрт фаровонлиги ва тараққиёти
йўлида амалга ошираётган ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.**

Баҳор, уйғониш ва янгилашни хуш кайфияти йил давомида сизга ҳамроҳлик қилсин.

**Наврўз байрамининг қадамлари қутлуғ келсин, мўътабар фахрийларимизнинг
дуолари ҳамиша ижобат бўлсин.**



**ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
“НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БўЛИМИ ЖАМОАСИ**

Ўлкамизда Наврўз нафаси



Бугунги кундаги нуруний кексаларимиз ўз ҳаётӣ тажрибалари, доно маслаҳатлари билан жамиятнинг фаол аъзосига айланиб боришмоқда.

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга бой маънавиятимиз, кўп йиллик тарихга эга қадриятларимизни сингдириб бориш, меҳр кўргони ҳисобланмиш оилалар мустаҳкамлиги, оилавий муносабатларни барқарорлаштиришда ўз ҳиссаларини қўшиб бормоқдалар. Бу эзгу амаллар уларда эртанги кунга бўлган ишончн ошириб, кексалик гаштини файзли ўтказишга сабаб бўлмоқда.

Нуруний отахон-онахонлар бундай савобли ишларни ўз хоҳишлари билан амалга ошириш асосида давлатимиз томонидан уларга берилган имтиёзлар, эътибордан ниҳоятда миннатдорликларини ҳар қадамда гувоҳи бўляпмиз. Ана шундай шукроналик тадбирларидан бири Юнусобод туманида жойлашган "Нурунийлар санаторийси"да бўлиб ўтди. Юртимизнинг барча вилоятдан келиб, дам оладиган кексаларга мўлжалланган 250 ўринли санаторий замонавий, ҳамма шароитларга эга бўлган ҳолда қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Турли хил бадий адабиётлар мужассам бўлган кутубхона, тренажёр зал, шахмат-шашка, теннис доимий дам олувчилар ихтиёрида.

Тадбирда иштирок этган турли вилоятлардан ташриф буюрган кексалар санаторийда яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган тиббий муолажалар, кўнгличар концерт дастурлари, маънавий-маърифий тадбирлар, муқаддас қадамжоларга зиёратлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар. Фарғона вилоятдан келган Чернобилъ уруши катнашчиси Махмуд Раҳимов, самарқандлик хунарманд, фахрий устоз Тоир Турсунов, Хоразм вилоятдан келган Юлдош Ҳўжаев, Ўрозбека Ражабова, сирдарёлик Розия Аксенова, тошкентлик фахрий жангчи Баҳодир Раҳматиллаев, Қаримжон ва Маъсума Фуломоваларнинг юртимизда олиб борилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари, ишловчи пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўланиши, ўз соғлигини тиклашдаги имтиёзлардан ниҳоятда мамнунлигини кўпчилик билан ўртоқлашдилар. Бундай тадбирларни уюштиришда санаторийнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбари Юлдуз Аскарваннинг ҳиссаси катта. Тадбир сўнгида фахрий устоз Тоир Турсунов томонидан ижро этилган дилрабо кўшиқлар, пойтахтдаги "Жарариқ" МФЙ раиси, моҳир пазанда, ижодкор Хасан Зиёнинг шукроналик, тинчлик, кексалик гаштига бағишланган шеърлари кечага янада файз бағишладди.

Гулчехра КАРИМОВА

Баҳорни, айниқса, Наврўз айёмини ўзгача соғинч билан кутамиз. Ахир, борлиққа илиқлик иниб, тирикликнинг гўзал пардаларда уйғониши табиатнинг беқиёс мўъжизаси!

Бу мўъжиза ичра инсон ҳам бор, албатта. У ҳам баҳор нафаси ила гўёки қиш уйқусидан уйғонгандай бўлади. Рухиятида яшашга, меҳнат қилишга, яратишга иштиёқ кучаяди. Бу ажиб туйғулар мусаффо осмон остида хотиржам яшаётган одамларга хос, десак хато бўлмайди. Ахир, нотинчлик бўлса, ҳаётга ҳавф туғилиб турса, баҳорнинг, на байрамнинг қадри бўлади. Шундай эмасми?

Шунинг учун ҳам халқимиз осуда кунларга доим шукрона келтиради. Айниқса, баҳорга етиб унинг неъматларидан баҳраманд бўлган ҳар бир онимиз шукронага тўлади.

Осуда осмон остида ўтаётган бетакор байрамларимиз, беқиёс Наврўзимиз дунё аҳлининг ҳам ҳавасини келтиради.

Бундай байрам тадбирларини тинчлик ва осудалиқда, турли ноҳуш ҳодисалардан холи ўтказиш учун давлат томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилади. Наврўз айёмини юқори савияда, хотиржамликда ўтказишни таъминлаш учун тегишли органларга топшириқлар берилган.

— Наврўз умумхалқ байрами тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш даврида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, турли кўринишдаги фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида 2019 йил 4 март куни ҳукуматимизнинг алоҳида қарори қабул қилинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бoshқармаси бошлиғи Кутбиддин Бурхонов. — Қарор ижросини таъминлаш мақсадида байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ҳавфсизлиқни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш бўйича Республика штаби ташкил этилди.

"Наврўз" байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ички ишлар вазирлигининг алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда ички ишлар органлари олдига турган барча ташкилий, профилактик, тезкор-қидирув ва бошқа чора-тадбирлар қамраб олинди.

Миллий гвардия, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда қўшма режа ишлаб чиқилди ва ижро учун жойларга юборилди.

Ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар бўйича вазирликнинг алоҳида фармойиши ҳам қабул қилинди. Шунга кўра ҳудудий ички ишлар органларига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш мақсадида вазирлик марказий аппаратининг раҳбар ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларга ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларига масъул этиб бириктирилди.

Барча ҳудудларда вазиятнинг тезкор назорат қилиш, жамоат тартибни сақлаш хизматида жалб этилган куч ва воситаларнинг марказлашган тартибда бошқариш, уларнинг ўзaro ҳамда бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида тезкор штаблар ва ички гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган.

2019 йил 10 мартдан 25 мартга қадар 6 минг 922 Жамоатчилик назорати масканларида жамоатчилик вакилларининг навбатчилиги ҳамда республикада фаолият юритаётган 59 йўл-патруль хизмати масканлари, блок ва постларининг иш фаолияти, аэропорт ва темир йўл вокзаллари ва "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси объектлари-

нинг кўриқлиниши кучайтирилди.

Вазирлик ва ҳудудий ички ишлар органлари навбатчилик қисмларида тезкор-тергов гуруҳлари фаолияти кучайтирилган тартибда ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг 253 жойида байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган. Булар ичида истироҳат боғлари, ўйингоҳлар, майдонлар, кўча ва хиёбонлар, сайилгоҳ ва спорт иншоотлари, маданият масканлари бор.

Тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибни сақлаш ва ҳавфсизлиқни таъминлаш учун ички ишлар органларининг 25 минг 361 нафар ходими, 2 минг 184 нафар миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва 12 минг 710 нафар жамоатчилик вакиллари жалб этилган.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларга шубҳали шахсларнинг киришига йўл қўймаслик мақсадида объектларнинг кириш-чиқиш дарвозаларида кўздан кечиришнинг техник воситалар билан жиҳозланган назорат-текширув пунктлари ташкил этилди.

Ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган жойлар ва уларнинг

ТИНЧЛИК ТАНТАНАСИ, ШУКРОНА АЙЁМИ

150 метр радиусида жойлашган 382 та дбиркорлик субъектига тегишли объектларда ёнғин-профилактика кўриқлари ўтказилди. 506 давлат та сарруфидига объектлар, 395 кўп

қаватли уйлар ҳамда 15 мингга яқин аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Ёнғин ҳавфсизлиги бўйича 853 қондабузарлик аниқланиб, жавобгар ва мансабдор шахсларга 80 миллион сўмдан зиёд жарима қўлланилди.

Ёнғин чиқиши ҳавфи бўлган 450 маскан ва алоҳида участкаларнинг иш фаолияти камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинчалик тўхтатилди, 2 минг 601 носоз электорасоби ва агрегатлар электр манбаидан узиб қўйилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар қиртилди.

Бевосита байрам кунлари ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида юзга яқин ёнғин ўчириш автокўчиқлари ва 568 нафар ходимнинг кечаю кўндуз навбатчилиги ташкил этилди.

Байрам кунлари йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида автомобиль ва пиёдалар йўлларининг техник ҳолати атрофила ўрганиб чиқилиб, эскирган 635 йўл белгиси ангиесиға алмаштирилди ва йўлларга 41 минг 436 квадрат метр йўл чиқиқлари қизилди.

Байрам тадбирлари ҳамда халқ сайиллари ўтказиладиган жойлардан ҳавфсиз масофаларда 224 та вақтинчалик автотўраргоҳ ташкил этилди. Тадбир билан боғлиқ жами 243 кўчада автотранспорт воситалари қатнови вақтинчалик чекланди.

Байрам билан боғлиқ барча объектлар ва уларнинг атрофида йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, автомашиналар ҳаракатини тартибга солиш мақсадида 2 мингга яқин йўл-патруль хизмати ходими хизматга жалб этилди.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз умумхалқ байрами тадбирларини тинчлик ва осойишталик билан, юқори савияда ўтказиш учун барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу нафақат масъул хизмат ходимлари, балки барчамизнинг бурчимиз, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш — хотиржамлик гарови эканини унутмайлик!

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири

Табиатдаги барча мавжудотлар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон ҳам ташқи муҳит: ер, сув, ҳаво ва атрофида яшовчи барча жонзотларга боғлиқдир. Инсонлар мана шу мувозанатни бузмаслиги лозим.

Улғайиб келаётган авлоднинг яшаши учун қулай шароитни таъминлашга йўналтирилган узокни қамраган экологик сиёсат — миллий табиий бог, кўриқхона, биосфера резерватларни ўзида жамлаган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат мутаносиблигини сақлашда бетакор, фавқулодда муҳим ўрин тутди. Зеро, экологик барқарорлиқни таъминлаш, биологик хилма-хиллиқни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришишда бундай объектларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис мамлакатимизда табиий кўриқланадиган ҳудудларни янада кенгайтириш, уларда ноёб наботот ва ҳайвонот турларини кўпайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида истиқлол йилларида миллий ва халқаро "Қизил китобга" киритилган айрим турларни кўпайтиришга муваффақ бўлингани диққатга сазовордир. Бугунги кунда юртимизда 8 та давлат кўриқхонаси, 2 та миллий бог, 10 та давлат бюртмахонаси, 5 та табиат ёдгорлиги, 1 та экомарказ

ТАБИАТ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

ҳамда 1 та биосфера резервати фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий майдони 9,1 миллион гектардан ошадди. Табиатда турларнинг ривож бамисоли занжирдек бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар яхлит экотизимни ташкил этади. Ҳатто бир гиёҳнинг йўқолиши ҳам яшил оламнинг мувозанати бузилишига олиб келиши мумкин.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафтли хилма-хиллиқни таъминлаш ва экологик барқарорлиқни сақлаб туриш учун ягона экологик тизимни ташкил қиладди. Аслида кўриқхоналар фаолиятидан кўзланган асосий мақсад ҳам ноёб табиат объектлари, ландшафтлар, камёб ўсимлик ва ҳайвонот турларининг ирсий фонддини сақлаб қолишдир. Юртимизда кўриқхона ва

миллий боғлар ҳудудини кенгайтириш, ўрмонзорлар барпо этиш, қисқача айтганда, яшил олам мувозанатини сақлаш борасидаги ислохотлар изчил амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқдир. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад нима? "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунда: инсон саломатлиги мақсадида, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва ундан зарарлантимасдан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; жонли табиат турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш; экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини асраш; ҳавфсизлиқни таъминлаш; та-

биат объектлари билан боғлиқ маданий мерос ва инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, инсонларнинг экологик жиҳатдан ҳавфсизлиги инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш; табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмаас оқибатларга йўл қўймаслик тамойиллари белгилаб қўйилган. Атроф-муҳитни ифлослашшдан сақлаш, аҳолини ичимлик суви, экологик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, биологик хилма-хиллиқни асраш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни ижобий ҳал қилиш инсониятнинг келгуси тараққиётини белгилайди. Ҳозирги мавжуд экологик муаммоларни ўрганиш, уларни тушуниб етиш учун ҳар бир инсон Коинот, Кўёш, Ер, жонсиз ва жонли табиатнинг уйғунлиги тўғрисида етарли билимларга эга бўлиши керак. Табиат, атроф-муҳитни ўз кучимиз, ақл идрокимиз билан асраб-авайлашимиз шарт.

Д.ТАШПУЛАНОВА, илмий ходим



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Ақлли киши бировнинг вақтини ҳурмат қилади.

Кимнинг кўли югурик, кимнинг тили.

Кўнгил — олов, ақл — сув.

Тушингизга фақат ўйлаб юрган нарсаларингиз эмас, балки мутлақо хаёлингизга келмаган нарсалар ҳам қиради.

Имконият борида иш қилиб қолиш керак.

Одам боласининг тинч ўтган куни бўлмайди ҳисоб.

Гап-сўз кўпайган жойдан қочиб қутулган яхши.

Одатда ўзи тайинли иш қилмайдиганлар тинимсиз бошқаларни муҳокама қилишади.

Меъёридан ўтса, ҳатто яхшилик ҳам ёмонликка хизмат қилади.

Ночорликдан ўтар ёв йўқ.

Натижасиз устунликнинг кимга кераги бор?

Сен ҳақингда ишинг гапирсин.

Ақл рад этган сари кўнгил исён қилади.

Бошқаларнинг олдида бевурд бўлишдан ёмони йўқ.

Ўзи азалдан шу: имконияти йўқ имконият қидиради, имконияти бор қадрига етмайди.

Сон кетидан қувган сифатдан ютқизади.

Ёмонга ён берсанг, бошинга чиқади.

Реклама ва эълонлар

"Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги масъулияти чекланган жамияти таъсисчилар йиғилиши қарорига кўра

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Телефон: (71) 233-10-65. Факс: (71) 233-10-71.

Тошкент вилояти, Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 06.03.2019 йилда № 696144 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "NURLI-FAYZLI SAVDO" МЧЖ (СТПР 306213268) уст-тав фонддини 3 000 000 000 сўмдан 8 200 000 сўмга камайитирилишини маълум қилади.



Тошкент шаҳрида 21 март куни ҳаво ўзағиб туради, кўннинг биринчи ярмида ёмғир ёғади, кўннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 16-18 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 21 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2343 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.30